БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 189 (3690)
21 ДУШАНБА АВГУСТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Беш йилликнинг уч йили плани — СССР Конституцияси кунигача

МАЖБУРИЯТ АСОСИДА

Чарм дазмолловчи Карима Исмоилова ва тери ошловчилар Сафо Алимов билан Зокир Авазовлар СССР янги Конституциясининг бир йиллиги кунигача беш йилликнинг уч йили план-топшириқларини бажаришга аҳд қилишганди. Ҳозирда улар ўз сўзларининг устидан чиқишиб, белгиланган маррадан ўзиб кетдилар. Бу уч илғор ишчи уч йиллик планни икки ярим йилда бажариб, ҳозир 1979 йилнинг апрель ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Хўш, бу ишчиларнинг муваффақияти сири нимада? Улар иш вақтидан унумли ҳамда тўғри фойдаланаётганликлари туфайли ана шундай меҳнат зафарини қучмоқдалар.

Карима Исмоилова, Сафо Алимов ва Зокир Авазовлар ҳалол меҳнатлари билан коллектив ҳурматини қозониб келишмоқда.

— Дарҳақиқат, биз бу ишчилар билан ҳақли равишда фахрланамиз,— дейди цех бошлиғи Абдуазиз Абдуллаев.— Улар фақат илғор ишчигина бўлиб қолмай, меҳрибон устоздирлар.

Шу кунларда корхонамизнинг фахри бўлган бу уч илғор ишчи эўр шижоат билан меҳнат қилиб, яна бир улкан маррани — беш йиллик планни уч ярим йилда бажариш учун тер тўкмоқдалар.

И. ЗОИРОВ,
«Ўзбекистон» табиий ва сунъий кўн ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-кўн заводи ишчиси.

ПРАВДА саҳифаларида

● Ўртоқ Л. И. Брежнев армия корпус генерали Эль-Хож Абубакир Сангуле Ламизанега Юқори Вольта Республикасининг Президенти лавозимига сайланганлиги муносабати билан табрик телеграммасини йўллаб, унинг ана шу лавозимдаги фаолиятида муваффақиятлар тилади, шунингдек дўст Вольта халқига бахт-саодат ва тараққиёт истакларини баён этди.

Юқори Вольта Республикасининг Президенти жавоб телеграммасида табрик ва яхши истаклар учун чуқур самимий миннатдорчилик изҳор этди.

● ВЦСПСнинг таклифига биноан Вьетнам Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Вьетнам касаба союзлари федерациясининг раиси Нгуен Ван Лин бошчилигидаги Вьетнам Социалистик Республикасининг касаба союзлари делегацияси 19 августда Совет Иттифоқига келди.

● «Чорвадорларнинг улкан вазифалари» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Мамлакатимизнинг ҳаётига доир янгиликлар, турли хабарлар, чет эллардан олинган телеграммалар эълон қилинган.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ТЕНГЛАШАЙЛИК

БЕШ ЙИЛЛИКНИ БАЖАРГАНЛАР



Еш коммунист, 2-мебель фабрикаси йиғувчилар бригадасининг бошлиғи Александр Пузик «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг давлат планларини бажаришга қўшаётган ҳиссаси билан қониқиш ҳосил қилса бўлади. Апрель ойида, ВЛКСМнинг XVIII съезди ўтаётганида у шахсий беш йиллик планини муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Александрнинг корхонада ишлай бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо дастлабки кунларданоқ у ўзининг меҳнатсеварлиги, интизомлилиги билан эътибор қозонди. Ишга жараёнларини тез ўзлаштириб олди. Кўп вақт ўтмай корхона раҳбарлари унга бригадирликни ишониб топширишди. Ҳозир у бошлиқ коллектив бирлашманинг илғор бригадаларидан ҳисобланади. «Сифат даражасининг 4,5 балдан паст бўлмаслигини таъминлаймиз»— бригаданинг шиори ана шундай.

Бригада бошлиғининг ўзи бундан ҳам юксак мажбурият олган. У Улуғ Октябрнинг 61 йиллигига қадар олти йиллик планни бажариш, буюмларни биринчи тақдимдаёқ топшириш, ёшларга ўз тажрибаларини ўргатишга аҳд қилган.

Александр Николаевичнинг мажбуриятларида яна бир муҳим сатр бор: у 1976 — 1978 йилларда икки беш йиллик планни бажармоқчи. Ишлаб чиқариш илғори юксак марра сари дадил интилмоқда.

МУВАФФАҚИЯТНИ БОЙИТИБ

Темирйўлчиларнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳаракатдаги поездларда кўпроқ юк ташиш ва уларнинг тезлигини оширишга эришишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам машинистлар ва поезд диспетчерлари, вагончилар, йўлсозлар, алоқачилар ўзларининг бор маҳорат ва кучларини ана шу мақсадга қаратмоқдалар. Шу боисдан ҳам Тошкент бўлинмасининг коллективи катта муваффақиятни қўлга киритди.

БУГУН

бу ердан манзилларга етказиб берилган халқ хўжалиги юкларининг ҳажми 5 минг оғир юк поездига етди.

Бундай муваффақиятга темирйўлчилар меҳнатни ташкил қилиш ишларига ижодий ёндошиш ва юк ташиш жараёнларини такомиллаштириш туфайли эришдилар. Ҳозир станция, локомотив ва вагон деполарида, йўл корхоналарида янги техника ва технология ўзлаштирилмоқда.

АЪЛО СИФАТ БИЛАН

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номли теплово-возвагон ремонти заводида етти ойлик социалистик мусобақага якун чиқарилди. Ғилдирак цехининг коллективи энг юксак кўрсаткичга эришганлиги қайд қилинди. Бу цех ишчилари шу йилнинг ўтган даври мобайнида 1032 та ғилдирак тайёрлаб, ўз топшириғини оширибгина қолмай, яна бир улкан марраги — беш йиллик планни уч ярим йилда бажариш учун тер тўкмоқдалар.

Шахсий меҳнат беллашувида механика участкасида ишлаётган Д. Горяйков, В. Кабаченко ва В. Ушаков сингари илғор ишчилар пешқадамлик қилишмоқда.

КОЛЛЕКТИВНИ СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ПЛАНИ БЎЙИЧА

Тошкент шаҳар партия комитетининг мажлислар залида партия ташкилотлари секретарларининг, касаба союз комитети раисларининг, шаҳар саноат корхоналари бош мутахассисларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда коллективни социал-иқтисодий ривожлантириш планини ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича «Миконд» заводининг ташкилий ва сиёсий ишлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Корхона директори У. Умаровнинг докладида тўққизинчи беш йилликда ва ўнинчи беш йилликнинг 2,5 йилида «Миконд» заводи коллективини социал ривожлантириш планининг бажарилишига якун ясалди. Шу билан бир қаторда корхона коллективини ўн биринчи беш йилликда социал ривожлантириш планининг асосий йўналишлари ёритиб берилди, ушбу планни ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши ва методикаси кўрсатиб берилди.

Меҳнат коллективларининг социал ривожлантириш планларини ишлаб чиқиш бўйича кундалик вазифаларни ҳал этиш ва ижобий тажрибаларни кенг ёйиш, янада чуқур ўрганиш мақсадида «Миконд» заводи қошида шаҳар методик кабинети ташкил этилди. Бундан шаҳар корхоналарининг раҳбарлари ва мутахассисларига коллективни социал ривожлантириш планларини ишлаб чиқиш бўйича зарур тавсияномаларни олишда ёрдам бериш кўзда тутилади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов иштирок этди.

МЕТАЛЛНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

БУГУН

Шу кунларда шаҳримиз корхоналарида ишлатилмай ётган ва яроқсиз бўлган металл парчаларини қайта ишлашга топшириш қизғин давом этмоқда. Бу ишда йирик корхоналарнинг коллективлари фаоллик кўрсатмоқдалар.

Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, агрегат, трактор, «Ўзбексельмаш», «Ташсельмаш» корхоналарининг коллективлари жуда кўплаб тонна металл топширишяпти. Уларнинг қайта ишлашга жўнатаётган ҳом ашёси темир йўл вагонларида Қарағанда, Магнитогорск, Челябинск шаҳарларидаги корхоналарга юборилмоқда. Бундан ташқари Тошкент Давлат университети, автомобиль йўллари ва педагогика институтларидаги коллективлари топшираётган металлом-лар Бекободдаги катта корхонага юборилмоқда.

йил бошидан буён қайта ишлаш учун топширилган металларнинг умумий ҳажми 120 минг тоннага етди. Бу рақам йил охирига қадар 200 минг тоннага бориши мўлжалланмоқда.

БЕШ КЎРГАЗМА

«Ўзбекистон халқ амалий санъати», «Ўзбекистон графикаси» «Ўзбекистон живописи ва ҳайкалтарошлиги» деб аталган тасвирий санъат кўргазмалари Италия ва Франция мамлакатларида намойиш этиладиган бўлди. Ана шу мамлакатларда ўтказиладиган Ўзбекистон маданияти кунларида намойиш этиладиган бу кўргазмалар республикамизда санъатнинг тараққий этганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Бундан ташқари ўзбек рассомларининг яна иккита кўргазмаси Москвага жўнатилади. ВЛКСМнинг 60 йиллик юбилейига бағишлаб Марказий кўргазмалар залида ва СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасида томошабинлар диққатига ҳавола этиладиган бу кўргазмалар «Советлар мамлакатининг ёш гвардияси», «Ёшлар ижоди» деб аталади.

Ана шу тасвирий санъат асарлари кўргазмаларини виставка ва панорам дирекцияси тайёрлади. Маданият муассасасининг асосий фаолияти рассомлар, ҳайкалтарошлар, халқ усталари асарлари асосида кўчма экспозицияларни ташкил этиш, уларни қардош ўлкаларга юборишдан иборат. Ҳар йили ўнлаб кўргазмалар турли маршрутлар бўйлаб йўлга чиқади.

ЛЕЙПЦИГГА ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

«Паранжи» ҳужжатли лентасининг автори. СССР халқ артисти Малик Қаюмов Лейпцигда ўтказиладиган кинофестивалида иштирок этиш учун расмий таклифнома олди. Совет Шарқининг озод қилинган хотин-қизлари тўғрисида ҳикоя қилувчи бу картинани томошабинлар яхши биласиди. У Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкентда ўтказилган V халқаро кинофестивалида намойиш қилиниб, мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Эндиликда «Паранжи» фильми республика ҳужжатли киносанъатининг намунаси сифатида кинематографиячи-лар-нинг шу йил кузда бўладиган бошқа учрашувида намойиш қилинади.

(ЎзТАГ).

КАМАЛАК ЖИЛОСИ

Москвадаги Марказий виставкалар залида «Ўничи беш йилликнинг улуғвор қурилишлари» деб аталган Бутуниттифоқ акварель кўргазмаси намойиш қилинмоқда. Кўргазма комитетининг аъзолари намойиш этиш учун 7 мингдан зиёд акварель асарларини кўриб чиқдилар.

СССР Рассомлар союзи ташкил этган қатор ижодий группалар мамлакатимизда улуғвор беш йилликнинг зарбдор қурилишларида бўлиб кўпгина мазмунли асарларни яратишди. Айниқса Байкал-Амур магистрали ва Тюмень областидаги нефть қазиб чиқариладиган районларда, Росснянинг ноқора-тупроқ зона ерларидаги қишлоқ қурилишларида, Москванинг олимпия объектларида чизилган асарлар томошабинларга манзур бўлмоқда.

Тошкентлик рассом, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Вениамин Акудин асарлари ҳам ана шу кўргазмадан ўрин олган. Санъаткорнинг асарлари Ҳиндистонга қилинган сафар таассуротлари асосида яратилган. Бундан ташқари В. Антоновнинг «Шимол бўйлаб» сериали асарлари томошабинларга манзур бўлмоқда. Тошкентлик рассомлардан Г. Бойматов, А. Бахтеев, ва бошқаларнинг асарлари ҳам кўргазмадан ўрин олган.



Коммунистик меҳнат зарбдори Маъруфжон Дадахонов кўп йиллардан буён Тошкентдаги 3-босмахонада печатник бўлиб ишлайди. У ёш полиграфчиларнинг меҳрибон усто зи. Илғор матбаачи ўзининг беш йиллик шахсий топшириқларини уч ярим йилда бажаришга аҳд қил-ган.

СУРАТДА: М. Дадахонов.

ИЖОДИЙ КОЛЛЕКТИВГА — ФЕСТИВАЛЬ МУКОФОТИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган СССР халқлари драматурглигиси ва театр санъати Бутуниттифоқ фестивалининг якунлари чиқарилди. Фестивалда Ўзбекистондан 22 ижодкор коллектив қатнашиб, иттифоқдош ва автоном республикалар драматургларининг пьесалари асосида 24 спектаклни саҳналаштирди. Шу спектакларнинг кўплари фестивалнинг дипломлари ва совринлари билан мукофотланди.

Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри Б. Васильевнинг «Рўйхатларда йўқ» спектакли учун, ўзбек давлат «Ёш гвардия» драма театри М. Байжиевнинг «Келин-куёв» пьесаси асосида қўйилган спектакли учун. Андижон шаҳар «Лола» қўғирчоқ театри Н. Каробзин пьесаси асосида яратган «Керпакбой» спектакли учун лауреат номини олди. Огаҳий номли Хоразм музикали драма театри М. Шатров пьесаси асосида қўйилган «Революция номи билан» драмаси асосида саҳналаштирган «Миндаугас» спектакли учун. Навоий номли Наманган музикали драма ва комедия театри И. Друценинг «Каса-маре» пьесаси бўйича қўйилган спектакль учун. Мулатўйчи Тошмуҳамедов номли Қашқадарё музикали драма театри М. Шатров пьесаси асосида қўйилган «Революция номи билан» спектакли учун фестивалнинг дипломлари билан тақдирландилар.

Фестиваль лауреатлари орасида наманганлик артистлар Т. Мамедова ва Р. Ҳамроқулов. И. Друценинг «Каса-маре» пьесасини ўзбек тилига таржима қилган адиб В. Рўзиматов бор.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

● **Тошкент область касаба союзлари Совети коммунистик меҳнат мактаблари раҳбарлари ва пропагандистларининг 1977-1978 ўқув йили якунлари бўйича кенгаш ўтказди.** Коммунистик меҳнат мактабларида ўқув йилининг якунлари ва янги ўқув йилидаги вазифалар ҳақида область касаба союзлари Советининг секретари М. И. Сафаров доклад қилди.

Мактаблардаги энг яхши раҳбарлари ва пропагандистлари облсовпрофнинг Фахрий ёрлиқлари ва совғалар билан тақдирландилар.

● **Область маккажўхорикорлари юқори ҳосил етиштирдилар. 107 минг тонналик хирмон кўтариш ва давлатга камида 20 минг тонна «қахрабо» дон сотилиб, СССР янги Конституциясининг бир йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан олинган социалистик мажбурият бажарилади.**

Оққўрғон, Бўка, Бекобод ва Янгийўл районларининг маккажўхорикорлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили ҳосилини йиғиштириб олишга киришдилар.

● **Олмалиқ шаҳридаги химия заводининг биринчи навбатида ҳавога чиқариб ташланувчи газларни фторли қўшилмалардан тозаловчи система ишга туширилди.** Бунинг натижасида атмосферага чиқариб юборилувчи газларнинг таркибини анча тоза ҳолга келтириш имконияти яратилди. Ҳозир ишлаб чиқаришнинг иккинчи навбатида ҳудди шундай иш амалга оширилмоқда.

● **Янгийўл биохимия заводида шу йил янги маҳсулот — лизинли донадор озуқа ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.** Ҳозирнинг ўзида 3 минг тоннадан ортиқ шундай маҳсулот ишлаб чиқариб, 61 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрилди.

Заводда ксели ишлаб чиқаришда қайта кристаллаш жорий этилганлиги туфайли тайёр маҳсулот ҳажми 12 процент ортди. Янгилик бир йилда 50 минг сўмликдан ортиқ фойда беради.

● **«Чирчиқсельмаш» заводи новаторлари ўтмаслашган асбобларга қаттиқ қотишмали кескичлар ўрнатиб, қайта тиклаш усулини таклиф қилишди.** Бунинг натижасида 14 минг сўмлик фойда кўрилади.

ХОЗИР МЕҲНАТ ИЛҒОРИ

Тошкент подшипниклар ремонти заводида силлиқловчи В. Мартинованн яхши билишади. У коллективнинг ҳурматга сазовор аъзоларидан бири. Меҳнат ветеранининг шу ерда ишлай бошлаганига 18 йил бўлди. Валентина Александровна турли маркадаги силлиқлаш дастгоҳларида ишлай оладн. Бу унга ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида меҳнат қилиш, подшипник ҳалқаларини юқори «кондиция» даражасида силлиқлаш, технология жараёнларининг узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш имконини беради.



Меҳнат ветерани корхона асосий маҳсулотининг сифати кўп жиҳатдан унинг шахсий маҳоратига боғлиқ эканлигини яхши билади. Қайта тикланган подшипникларнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарига, жумладан, «Ташсельмаш» ва Олтой трактор заводларига, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига юборилади.

Ҳозир меҳнат илғори 1981 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. В. Мартинова ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йили охирида: ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажарилди, деб рапорт беришни мўлжалламоқда.

М. Нуриддинов,
И. Глауберзон ва
В. Сироткин
фотолари.

ФУТБОЛ

ХУДДИ ЎША ҲИСОБ БИЛАН

Қисқа танаффуслан сўнг футбол бўйича мамлакат чемпионатининг ўйинлари бошланди. Кеча «Торпедо» — «Динамо» (Киев) ва «Динамо» (Тбилиси) — «Пахтакор» учрашувлари билан навбатдаги 23-тур ўйинлари бошланди.

Москвада мамлакатимизнинг ўтган йилги чемпионлари қизиқарли учрашувда маҳаллий торпедочилар устидан 2:1 ҳисобида голиб чиқишди. Ҳисобни биринчи бўлиб торпедочи Ванюшкин очди. Бунга жавобан динамочилар Буряк (ўн бир метрли жарима белгисидан) ва Блохин икки тўп киритдилар.

Чемпионатнинг биринчи даврасида пахтакорчилар Тбилиси динамочилари устидан 3:0 ҳисобида галаба қозонишган эди. Кечаги ўйинда грузин футболчилари худди шу ҳисоб билан реванш олдилар.

«ОЛИМПИАДА-80» ОБЪЕКТЛАРИДА

Шу кунларда Ватанимиз пойтахти Москвада жаҳон спортчиларининг улкан анжуманига қизғин тайёргарлик кетмоқда Турли республикалардан келган қурувчилар олимпиада объектларини бунёд этишмоқда. Кўкка бўй чўзган биноларни пардозлашда тошкентлик ёшлар ҳам катта маҳорат кўрсатишяпти. Улардан беш-кишн 84-шаҳар ҳунар-техника билим юртида бўёқчилик касбини эгаллаган ёшлардир.

Билим даргоҳи иш бошлаганига саккиз йил бўлди. Шу вақт ичида 3000 дан ортиқ ёш бу ерда ҳунар эгаллаб, ҳаётга йўлланма олди. Улар Ўрта Осиё темир йўллари қурилиш трести бунёд этаётган объектларда ишлашяпти. «Олимпиада— 80» қурилишларида ишлаётган беш ёш ишчи эса билим юртини шу йили битириб чиқишган.

— Яхши ҳунар эгаси бўлган ўқувчиларимизнинг Москвада ишлаш шарафига муяссар бўлганликлари бизни қувонтиради. Ҳозир янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўряпмиз. Билим юрти остонасига қадам қўйган ҳар бир ёш касб ўрганиши учун барча шарт-шароит муҳайё,— дейди билим юртининг директори У. Назаров.

Ҳунар масканида слесарь-сантехниклик, бўёқчилик, сувоқчилик ва бошқа ихтисосликлар бўйича касб ўрганиш мумкин. Бу йил яна уч янги ихтисослик қўшилди.

телетайп лентасидан

● **БУДАПЕШТ.** Венгрия кончилари бу йил планга қўшимча равишда 300 минг тоннадан кўпроқ юқори сифатли кўмир қазиб чикардилар. Вишонтдаги кўмир разрезининг коллективи зўр ғайрат билан меҳнат қилди. Мазкур коллектив 3 миллион 580 минг тонна кўмир қазиб чиқарди. Бу эса план топшириғида кўзда тутилганидан 130 минг тонна кўпдир. Ишлаб чиқаришни доимо такомиллаштириш ва социалистик меҳнат учун оммавий ҳаракат авж олганлиги туфайли вишонтликлар ана шундай юқори натижаларга эришдилар.

● **НИКОЗИЯ.** Оролнинг турк-кипр жамоасида студент ёшларнинг «Яшасин мустақил Кипр», «Фашизм ва шовинизм йўқолсин», «Кипр НАТОнинг базаси бўлмаслиги керак» деган шиорлар остида митинги бўлиб ўтди.

Ёшлар ташкилотларининг раҳбарларидан бири Аҳмет Оқан митингда нутқ сўзлаб, «Кипр империалистлари и к и эмас, балки мамлакат меҳнаткашларининдир» деди. НАТО мамлакатлари империалистлари деб таъкидлади у, Кипрнинг қардош халқларини бир-бирига қарши кураш олиб боришга гиж-гижламоқдалар.

Митинг иштирокчилари оролда ажнабий ҳарбий базалар тугатилишини ва Кипр проблемасининг тезроқ ҳал этилишини талаб қилдилар.

● **РИМ.** Ҳозирги вақтда Италия аҳолиси 56 миллион 674 минг кишига етди. «Пополо» газетаси шуни маълум қилди. Италия аҳолиси ўтган йилдагига нисбатан 256 минг кишига кўпайди.

● **НЬЮ-ЙОРК.** Хавфсизлик кенгашн дунёдаги энг ёш мустақил давлат бўлган Соломон оролларини БМТга аъзо этиб қабул қилиш тўғрисидаги тавсияни бир овоздан тасдиқлади.

БМТ Бош ассамблеяси Хавфсизлик кенгаши нинг акциясини тасдиқлаганидан кейин Соломон оролларн Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 150-аъзоси бўлади.

● **КОЛОМБО.** Шри Ланка миллий давлат ассамблеяси (парламенти) аъзоларининг кўпчилик овози билан республиканинг янги конституциясини қабул қилинди. Энди мамлакат Шри Ланка Демократик Социалистик Республикаси деб аталади. Янги конституция шу йилнинг 7 сентябрндан кучга киради.

● КАРОЧИ. Покистоннинг Синд вилоятига чигиртка галаси ҳужум қилди, дейилади расмий ахборотда. Мамлакатнинг қишлоқ хўжалик районлари узоқ жиддий хавф тугилди. Маъмурлар ана шу ҳашаротларнинг янада кенгроқ тарқалиши олдини олиш учун шошилинч чораларни кўрмоқда.

● **ДОР-УС-САЛОМ.** Танзаниянинг шимолидаги Аруша деган жойда миллий фармацевтика фабрикасининг қурилиши якунланиб босқичга кирди. Ана шу фабрикада касалликларини даволаш учун дорилар ишлаб чиқарадн. Ана шу тропик мамлакатнинг аҳолиси бундай дорилларга ниҳоятда муҳтождир.

(ТАСС).



«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкентдаги 3-босмахонанинг зарбдор яшнотличиси Гулбиби Холназарова (чапда) билан ишчан корректор Гули Валиевалар ўзларининг шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал бажариш борасида баракали меҳнат қилишмоқда. Бу илғорлар беш йиллик шахсий планларини 4 йилда адо этишга аҳд қилишган.

СУРАТДА: Г. Холназарова ва Г. Валиевалар иш устида кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

Ҳурматли редакция! Ҳозирги кунда студент-ёшлар ўртасида «Дипломат» папка тутиш жуда оммалашиб кетди. Чунки у фойдаланиш учун ҳам қулай, ҳам ихчам. Шу билан бирга чиройли. Айтинг-чи, нима учун ана шундай папкалар шаҳримиз магазинларида кам кўринади? Уни ишлаб чиқаришга бўлмайдими?

ТошДУ студентлари: М. Ҳакимов, З. Тонров, Ҳ. Йўлдошев, С. Сафаров ва бошқалар.

◆ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА — КЕНГ ЙЎЛ

ЭҲТИЁЖГА ЯРАША БЎЛСИН

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ҳар бир студентни «Дипломат» папкаси тасаввур қилиш қийин. Ҳатто биринчи курсданоқ айрим студентлар бу ажойиб папканинг дастасидан тутишга ҳаракат қилишади. Абитуриентлар-чи?.. Бизлар ҳам ана шу папкадан қачон кўтарарканмиз дея студентларга ҳавас билан қараб қўйишади. Бу папкага кўпгина хизматчиларнинг ҳам «ишқи» тушиб қолган. Демак, «Дипломат» папкага эҳтиёж катта ва у ўсиб боряпти. Шундай экан, нега энди уни кўплаб ишлаб чиқариш мумкин эмас? Ахир шаҳримизда «Дипломат» ишлаб чиқараётган кўн-галантерея фабрикаси бор-ку!?

— Биз «Дипломат» папка ишлаб чиқаришни шу йилнинг январь ойида ўзлаштирганмиз, — дейди фабрика бош инженери И. Асриян. — Қисқа вақт ичида бироз бўлсада «Дипломат» папка ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштирдик. Бизда ишлаб чиқарилаётган «Дипломат»лар Белоруссияда ишлаб чиқарилаётган «Минск» типидаги папкалардан бироз фарқ қилади. Унинг ички кўриниши анча чиройли ва ихчам ҳамда кичик-кичик чўнтакчалардан иборат. Баҳоси 12 сўм.

...Ҳали папкаларни тайёрлаш технологияси мукаммал эмас. Шунинг учун уни такомиллаштириш борасида иш олиб бориляпти. Тайёрланаётган «Дипломат»ларнинг сифатини ошириш усулига қараганда бир сменада уч баравар кўп «Дипломат» тайёрлаш имконини берди. Эндиликда ҳар бир сменада юзлаб папка ишлаб чиқариляпти. Лекин «Дипломат» папкаларни уч баравар эмас, балки 4—5 баравар кўп ишлаб чиқариш мумкин. Бу асосий хом ашё —ёғоч рейкаларни ўз вақтида етказиб, тахт қилиб беришга боғлиқ. Афсуски, бу иш ҳали корхонада яхши йўлга қўйилмаган. Коллектив бу маҳсулотни мебель корхоналаридан «шартнома» асосида олляпти, холос. Фабрика маъмурияти бу масалани тўла-тўкис ҳал этиши учун вақт етмадимикан?

Айни эҳтиёж ўсиб бораётган бир пайтда ана шундай масалани ҳал этилмагани ажабланарли бир ҳол! Мана рақамларга мурожаат қилайлик. Ўтган етти ойда «Ташпромторг»га 4 минг 800 маҳсулотимиз фабрика омборига тушмай, тўғридан-тўғри магазинларга йўл олляпти, — дейди бош инженер биз билан суҳбат сўнггида. — «Дипломат»га шундай талаб каттаки, улгуриб бўлишнинг ўзи бир муҳим масала бўлиб қолди. Шунга қарамай, ички резервларни ишга солиб, буюртмачилар, қолаверса харидорлар эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозир янги «Дипломат» папкаларни ишлаб чиқариш устида иш олиб бориляпти. У ҳозиргисидан фарқ қилиб, четки қисмларига юпқа алюмин металл пластинкалари ўрнатилади. Бу маҳсулот 1979 йилдан бошлаб ишлаб чиқарилади. Бунинг учун ҳозирда иккинчи поток технологияси ҳам ҳозирланмоқда.

Ҳа, корхона коллективи буюмлар ассортиментини кенгайтириш учун, албатта, тер тўкяпти. Аммо асосий кучни бир томонга эмас, балки оддий рейка-тахтачалар масаласини ҳал этишга ҳам қаратмоғи лозим. Шундагина кўплаб «Дипломат» ишлаб чиқариш учун қаршилик қилаётган «тўсиқ» бартараф этилиши ва харидорлар эҳтиёжига яраша «Дипломат» ишлаб чиқарилиши мумкин. Харидорлар мутасадди ташкилотлардан, фабрика коллективидан студентлар ҳозир «камёб» деб юришган «Дипломат»дан кўп ва сифатли тайёрлаб беришларини сўрайдилар.

Ш. ҲИДОЯТОВ, О. ҲАКИМОВА.

«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбирлари.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

● МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Суръатни ошириб

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 3-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ БИЛАН 159-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ, 11-«ВИСОТСТРОЙ» ТРЕСТИ БИЛАН 8-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ ЎРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

Қурилиш трестлари

1978 йил январь — июль ойлари асосий кўрсаткичлари	3	159	11-«Висотстрой»	8
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (процентларда)				
а) бош пудрат бўйича	108,7	110,9	112,3	103,0
б) ўз кучлари билан	88,5	103,5	116,4	103,0
Иш ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)				
а) бош пудрат бўйича	101,6	96,7	87,2	117,7
б) ўз кучлари билан	82,4	102,6	102,2	121,9
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари	89,9	90,2	102,2	103,3
Меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши	86,2	95,4	106,6	105,8
Планни бажармаган бошқармалар				
а) бош пудрат бўйича	1	2	1	—
б) ўз кучлари билан	2	1	1	—
Уй-жой қурилиши планининг бажарилиши (процентларда).	67,9	101,1	46,2	81,0
Мактаблар қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	—	94,8	—	112,8
Мактабгача болалар муассасалари қурилиши планининг бажарилиши (процентларда).	69,1	64,9	30,9	84,2
Маҳаллий Советлар объектларини қуриш планининг бажарилиши	115,0	86,7	162,0	87,5
Ижл бошидан фойдаланишга топширилган объектлар сони	16	6	1	6
Бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар сони	23	25	10	16

Беш йилликнинг учинчи йили планини муддатидан олдин муваффақиятли бажариш учун бошланган социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Январь-июль ойлари якунига кўра 159 ва 11-трестларнинг коллективлари яхши натижаларга эришдилар. Меҳнат беллашуви қурувчилар куни арафасида айниқса авж олди. Барча бошқарма ва бригадаларнинг коллективлари шу сана шарафига зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишлай бошладилар. Масалан, 159-трестдан планга қўшимча олти бригада замонавий қуриш усули — хўжалик ҳисобига ўтиб ишлай бошлади. Бу коллективлар зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Натижада планда белгиланган бешта ўринга олти объект фойдаланишга топширилди. Ўтган етти ой мобайнида бош пудрат бўйича амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларида 18864 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу планда белгиланганидан анча кўпдир.

Бироқ, илғор ҳисобланган 159-трест коллективи фаолиятида ҳам нуқсонлар кўзга ташланиб турди. Жумладан, бир неча мактаб, болалар боғчалари ва маҳаллий Советларнинг объектлари топшириқ планига кеч киритилганлиги учун шу объектларни барпо этиш бўйича белгиланган план бажарилмай қолди. Шунингдек, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг капитал қурилиш Бош бошқармаси ҳам коллективга ёрдам бермаяпти.

Бошқарма июль ойига қадар Халқлар дўстлиги проспектида бунёд этиладиган турар жой, Беньков номли билим юрти, 1-Шимолий-Шарқ микрорайонидаги учта турар жой ва ётоқхона, Артиллерячилар кўчасидаги поликлиника қурилишларини бошлаб юбориш учун жой ҳозирлаб бермади.

Трестда юз берган камчиликларни бартараф қилиш учун етарли резервлар бор.

Трест билан мусобақадош бўлган 3-трест коллективида эса бунга ишонч йўқ. Бунинг учун ўтган етти ой мобайнида ҳар бир ишчи томонидан 974 сўмлик иш бажарилмай қолганлигини эслаш кифоя. Умуман коллектив томонидан 1456 минг сўмлик иш бажарилмай қолди. Ўтган давр мобайнида қурувчилар авваллги йилдаги объектларда меҳнат қилишди. Шунинг учун ҳам 1978 йилнинг объектлари ҳисобланган янги объектларни қуришга киришилмади. Ваҳоланки, трест муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган объектларни бунёд этмоқда. Улар ш- йилнинг ўзида фойдаланишга топширилиши лозим. Бу объектларнинг ҳаммасини ҳам бунёд этиш ишлари яхши бораяпти деб бўлмайди. Уларнинг кўпларини фойдаланишга топшириш келгуси йилга қолиб кетиш хавфи бор. План-топшириқлар ва социалистик мажбуриятларни бажармаслик ҳоллари трестда бир неча йилдан бери такрорланиб келмоқда. Трест раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол комитетлари юз бераётган нуқсонларнинг сабабини синчиклаб ўрганиб чиқишлари ва уларни бартараф қилиш чораларини кўрмоқлари лозим.

* * *

«Висотстрой»чилар 8-трест коллективи бўлган бўлган мусобақада яхши натижаларга эришмоқдалар. Уларга Халқлар дўстлиги майдонида катта иш фронти очиб берилган. Бу ерда бир қанча ноёб объектларни реконструкция қилиш ва қуриш планлаштирилган. Масалан, ҳўжалик ҳисобидаги участка коллективи шу ерда Ўрта Осиёда энг йирик қисобланган кино-концерт залини бунёд этмоқда. 69-қурилиш бошқармаси эса партия тарихи институти биносини қуряпти. Қурилиш майдонларида М. Ҳабибуллаев, В. Скоробогатченко, З. Мамаюсупов ва бошқалар етакчилик қилаётган бригада июль ойи топшириғини 19 процент ошириб бажаришга эришди.

Трест билан мусобақадош бўлган 8-трест коллективи ҳам январь-июль ойларида дуруст натижага эришди. Бироқ бу эришилган натижа билан чегараланиб қолиш керак деган маънони бермайди. Бунинг устига трестда бир қанча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажарилаётган ишлар кўнгилдагидек эмас. Қорасув массивида бунёд этилаётган иккита ғиштли турар жой биносини бунёд этишда ҳамон судралишга йўл қўйилмоқда. Шунингдек, 1978 йилнинг бошқа объектларида ҳам ана шундай нуқсонлар мавжуд. Қурувчилар барча резервларни ишга солиб йил охирига қадар белгиланган объектларнинг ҳаммасини фойдаланишга топширишга эришмоқдалар лозим.

ЖОНАЖОН РЕСПУБЛИКАМИЗДА

ЯНГИ МАКТАБ

Самарқанд областидаги «Боғизағон» совхозининг марказига янги мактаб кўрк бериб турибди. Муддатидан ярим ой илгари фойдаланишга топширилган икки қаватли бино 780 ўқувчига мўлжалланган. Бу ерда кенг кабинетлар, спорт машғулотлари ўтказиладиган зал бор. Бу — республика қишлоқ қурилиши министрлиги йил бошидан буён барпо этган ўн олтинчи мактабдир. Уларнинг ҳаммаси яхши баҳо билан қабул қилинди. Бу мактабларда саккиз ярим мингдан кўпроқ бола таълим олиши мумкин.

ЖИЗЗАХ ЛИМОНИ

Жиззах районидаги «Москва» колхозининг лимонзорларида хушбўй мевалар нинг дастлабки ҳосили териб олинади. Бу ерда агроном М. Ҳамроқуловнинг ташаббуси билан бундан бир неча йил муқаддам субтропик экинининг 400 тупи ўтқазилган эди. Уларнинг ҳаммаси маҳаллий шароитларда жуда яхши тутиб кетди. Бу йил лимонларнинг ҳар бир тупи 10—15 тадан мева берди. Колхоз боғбонлари лимонзорларни кенгайтиришни мўлжалламоқдалар.

СОВХОЗ ФЕРМАСИ

Қашқадарё областидаги Свердлов номли совхозда барпо этилган янги чўчқачилик фермасида жониворларнинг дастлабки туркуми боқила бошлади. Бу ерда сермеҳнат ишларни механизациялаш имконини берадиган асбоб-ускуналар ўрнатилган. Бу эса етиштирилаётган гўштнинг таннархини пасайтиради. Фермада ҳар йили минг бош чўчқа семиртириб боқилади.

(ЎзТАГ).

Аҳил бригада

КПСС XXV съезди нинг делегати Ҳасан Отаев раҳбарлик қилаётган ғишт терувчилар бригадасининг яхши анъанаси бор. Улар ҳар бир байрамни янги меҳнат муваффақиятлари билан кутиб оладилар. Мана ҳозир ҳам қурувчилар куни арафасида бу коллектив беш йилликни бажариб бўлганлиги тўғрисида рапорт берди.

«Отаевчи»ларни Бухоро 163-қурилиш трести нинг 987-бошқармасидагина эмас, бутун областда ҳам билишади. Бу коллектив бир қанча қимматли ташаббусларни бошлаб берган, анчагина меҳнат муваффақиятларига эришган. Бригададаги қирқ кишининг ҳаммаси смена топшириқларини икки баравар ошириб бажаради. Улардан ҳар бири илғор иш усулларини мукаммал ўрганиб олган, айни пайтда бир қанча турдош ҳунарларни эгаллаган.

Трестда бу коллективнинг «ишчилар университети» деб аташади. Бу ерда кўпгина ёш ишчилар ҳунар ўрганганлиги учунгина эмас, бригаданинг кўпчилик аъзолари техникум ва олий ўқув юртларида сиртдан билим олаётганлиги учун ҳам шундай деб аташади.

Ҳозир Ҳасан ва унинг ўртоқлари Бухоро ип газлама комбинатининг иккинчи қурилишида меҳнат қилишмоқда. Бригада аввалги объектлардаги сингари бу ерда ҳам социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Бунда бригада бошлиғининг катта хизмати бор. У моҳир раҳбар, меҳрибон ўртоқ, тажрибали мураббий сифатида меҳнат маромини аниқ йўлга қўйган. Керак бўлса ўртоқларга кўмаклашади. (ЎзТАГ).



Шаҳримиздаги Модалар уйи коллективи буюртмачиларнинг бежирим устки кийимларга тобора ортиб бораётган талабларини сидқидилдан қондириб келмоқда. Коллектив ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот сифатини яхшилашга асосий эътиборни қаратяпти. Ушбу фотолавҳада коммунистик меҳнат зарбдори тикувчи мастер Сора Ҳусанновна Ильметовани кўриб турибсиз.

И. Шонноғомов фотоси.

◆ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

САНИТАРИЯ ТАЛАБЛАРИ УНУТИЛГАНДА

Санитария ободончилиги шаҳар штабининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ленин районида тозалик ва тартиб-интизомга қандай риоя этилаётганлиги масаласи кўриб чиқилди.

Бугунги кунда район қиёфаси ҳар томонлама кўркамлашган, ям-яшил боғлар ва хиёбонларга безанган бўлиб, у кўзни қувонтиради. Районда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, саноат корхоналаридан чиқаётган оқава сувларни тозалаш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Шунга қарамасдан, района санитария масалаларига етарли даражада аҳамият бериляпти, деб бўлмайди. Айниқса уй-жой ташкилотлари жуда кўп нуқсонларга йўл қўймоқдалар. Уларнинг ўз ишларига эътиборсизликлари натижасида айрим кварталларда чиқинди ва ахлатлар йиғилиб қолмоқда. Бинолар атрофидаги территорияни саранжомлаш ва тозалаш ишларига мунтазам равишда аҳамият берилмаяпти. Шаҳар штаби йиғилишининг қарорига асосан район уй-жой бошқармаси бошлиғи В. Орловга ЖЭКлар юзасидан зарур назорат ўрнатмаганлиги учун виговор эълон қилинди.

«Ташхимсельмаш» заводи раҳбарлари адресига ҳам жиддий танқидий мулоҳазалар билдирилди. Чунки корхона раҳбарлари завод территориясини ободонлаштириш ишларига бутунлай аҳамият бермаяптилар. Цехлар яқинидаги участкалар асфальтланмаган. Йўлларнинг атрофи ишлаб чиқариш чиқиндилари билан тўлиб-тошиб ётибди. Шаҳар штаби корхонадаги бундай нуқсонларни бир ҳафталик муддат ичида бартараф этишни топширди ва завод директорининг ўринбосари В. Цитанковга сўнгги огоҳлантириш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилди.

Ўрта Осиё темирйўлининг ишчилар таъминоти бўлимига қарашли 1-нон заводида ҳам санитария қоидаларига эътиборсизлик билан қараляпти. Бу ерда йўл қўйиб бўлмайдиган нуқсонлар мавжуд. Шунга қарамасдан ишлаб чиқариш цехлари тоза сақланмаяпти. Ёғоч новлар ва технология жиҳозлари ювилмайди. Чакана савдо идорасининг 5-магазини мудири М. Фозиловга қаттиқ виговор берилди. Бу савдо муассасаси аллақачоноқ ремонтдан чиқарилиши, совутиш мосламалари тузатилиши зарур эди. Аммо санитария эпидемиология станцияси томонидан белгиланган нуқсонлар тузатилмаяпти. «Ташплодоовощ» бирлашмаси раҳбарлари ўз-ларининг қарамоғида бўлган бундай муассасалар ишини назорат қилишни унутмасликлари лозим. Бундай нуқсонлар 2 ва 16-магазинларда ҳам мавжуд.

Область матлубот жамиятига қарашли К. Цеткин кўчасидаги ошхонада ҳам санитария нормалари қўпол равишда бузиляпти. Ишлаб чиқариш цехларида тозаликка эътибор берилмаяпти. Деворларнинг сувоғи кўчиб ётибди, бинони яхшилаб тозалаш эса мунтазам амалга оширилмайди. Канализация тармоғи узоқ вақтдан буён ишламай ётибди. Бу нуқсонлар ошхона мудири Л. Султоновнинг ўз ишига ва нуқсонларга эътиборсизлик билан қараётганлиги оқибатида келиб чиқмоқда. Шаҳар штабининг қарорига биноан у ўз вазифасидан четлаштирилди.

«Ташлимводт о р г»нинг райондаги савдо базаси корхоналарида ҳам шунга ўхшаш нуқсонлар мавжуд. Фурқат номли парк территориясида жойлашган 3-пиво бирида аҳвол бутунлай ёмон. Шаҳар штаби қарорига асосан бар мудири А. Гажибоев ҳам вазифасидан бўшатилди.

Санитария ободончилиги бўйича шаҳар штаби бу соҳада нуқсонларга йўл қўяётган корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига мавжуд нуқсонларни тузатишлари учун бир ҳафталик муддат белгилади.

Штаб йиғилишида Ленин район партия комитетининг иккинчи секретари Ж. М. Жонибеков ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Б. Қ. Алиевлар сўзга чиқишди.

А. ҲАТАМОВ.

ПАРТИЯ ХОДИМИ СПРАВОЧНИГИ

«Партия ходими справочниги»нинг ўн саккизинчи нашри босмадан чиқди. Бу справочникка КПСС Марказий Комитети Пленумларининг КПСС Марказий Комитетининг СССР Министрлар Советининг қарорлари, СССР Олий Совети Президиумининг қонунлари, фармонлари, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1977 йил январь ойидан декабрь ойигача қабул қилинган энг муҳим қарорлари киритилган.

Ҳужжатлар тегишли тематик бўлимлар ва бу бўлимлар ичида хронологик тартибда жойлаштирилган.

Китобни сиёсий адабиёт нашриёти чоп этди. (ТАСС).

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ

«Медик-78» бирлашган студентлар қурилиш отряди ишлаб чиқариш топшириғи бажарилганлиги тўғрисида рапорт берди. 311,1 минг сўм ўзлаштирилди. Ёзги семестр охиригача бу рақамни 450 минг сўмгача етказиш мўлжалланади.

Студентлар Тошкентда 18 та мактабни ремонт қилдилар, 6 та ихтисослаштирилган кабинет ва фотолабораториялар жиҳозладилар, айлана йўлни ободонлаштиришда қатнашдилар. Отряд шаҳарнинг ёш ахолиси учун еттита спорт майдони қуриб берди.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

БУДАПЕШТ. Винницадан то Альбертиршагача чўзилиб кетган 750 киловольт кучланишли электр линиясининг Венгрия участкасида сўнгги тиргович ўрнатилади. Электр линиясида қурилиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Ана шу улкан энергетика трассасини шу йилнинг октябрь ойидаёқ фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Винница-Альбертирша электр линиясининг қурилиши СССР билан Венгрия ўртасидаги ҳамкорлик доимо мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатувчи мисоллардан биридир.

СОВЕТ ВИСТАВКАСИ МУВАФФАҚИЯТИ

ЯНГИ ОРЛЕАН. Янги Орлеанда очилган замонавий совет тасвирий санъати выставкаси америкаликларга ғоят манзур бўлмоқда.

Таниқли совет рассомлари ва графикларининг асарлари намойиш этилаётган тасвирий санъат музейи биноси эртадан кечгача гавжум. Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин фаолиятига, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва Гражданлар урушининг қаҳрамонона воқеаларига, совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнатига бағишланган полотно ва гравюралар томошабинларда айниқса қизиқиш уйғотмоқда.

Янги Орлеан жамоатчилиги совет выставкасини самимий кутиб олди, деди маҳаллий халқаро марказ директори. выставкани уюштирган ташаббускори П. Фабин ТАСС мухбири билан суҳбатда. Америкаликлар Совет Иттифоқига жуда қизиқиб қарайдилар ва сизларнинг тасвирий санъат усталарингиз ижоди билан танишиш совет халқининг турмушини яхши билиб олишда уларга ёрдам беришга ишонаман. СССР билан АҚШ ўртасидаги ўзаро маданий ҳамкорлик мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатликни яхшилаш ишида муҳим роль ўйнайди.

П. Фабри иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни яхшилаш муҳолифларининг кирдикорлари сабабли бу муносабатларга раҳна тушганига қарамай, СССР билан АҚШ ўртасида маданий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Шакарқамиш ўрими мавсумига тайёргарлик

ГАВАНА. Кубада атиги уч ҳафта муқаддам 1978 йилги шакарқамиш ўрими мувaффақиятли тугалланган эди, ҳозир эса бутун республикада шакарқамишдан яна мўл ҳосил етиштиришни таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат экономикасининг энг муҳим тармоғи бўлган канд саноати ходимларининг коллективлари Кубанинг ҳамма вилоятларида шакарқамиш экишни қисқа вақт ичида тугаллаш, машина-механизмларни янги мавсумга пухта тайёрлаш шиори остида меҳнат қилмоқдалар.

Гавана ва Вилья—Клара вилоятларидаги қанд заводлари меҳнатчиларининг ташаббуси ҳамма жойда қўллаб - қувватланди. Улар машина-механизмларни «аъло» баҳога топширибгина қолмай шу билан бирга бу машиналарни материал ресурсларни кам сарфлаб ремонт қилиш мажбуриятини ҳам олдилар.



Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларида Америка авиацияси томонидан портлатилган атом бомбалари натижасида юз минглаб кишилар ҳалок бўлишди. Бу шаҳарлар марказида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишланган мемориал комплекслар бунёд этилган.

СУРАТДА: Хиросима кўчаларидан бирида.

ТАСС фотохроникаси.

Жосуслар уяси

БОГОТА. Колумбия миллий университети антропология факультетининг илмий кенгаши республика ҳукуматини Америкага қарашли «Виклифф байбл транслейтор» ташкилотининг филиали — «Ёзги лангвистика институти» билан тузилган ва яқин вақтда муддати тугайдиган битимни узайтирмасликка чақирди. Бу институт расман «индейц қабилалари орасида тавротни тарғиб қилиш» билан шуғулланади. Ҳақиқатда эса у диний ниқоб остида марказий разведка бошқармаси агентларининг макони бўлиб хизмат қилади. Институтнинг илмий ходимлари давлат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган районларга бемалол бораверадилар, табиий ресурслар тўғрисидаги жосуслик маълумотларини тўплайдилар аборигенлар орасида «Америкача турмуш тарзи»ни тарғиб қиладилар.

Лингвистика институтининг фаолиятини тўхтатиш ва унинг ходимларини чиқариб юбориш кампанияси тобора кенг қулоч ёймоқда. Колумбия жамоатчилиги уни «жосуслар уяси» деб атамоқда.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. НОМОЗОВ: Ҳурматли редакция! Айтингчи, қандай ҳолларда шаҳар водопроводи ва канализацияси тармоқларига уланиш мумкин? Шаҳар водопроводидаги ичимлик сув билан дов-дарахтларни суғоришга рухсат этиладими?

Жавоб: Шаҳар коммунал водопроводи ва канализацияси тармоқларига фақат «Водоканал» трести руҳсат бергандагина, у билан лойиҳачилар келишиб олиб, шу ишга алоқадор техникавий шартлар бажарилган тақдирдагина уланиш мумкин. Шаҳар водопроводидан ичилган сувни корхоналарнинг техник эҳтиёжлари учун (озиқ-овқат корхоналаридан ташқари) сарф этишга «Водоканал» трести эҳтиёжи қондирилгандагина, шунда ҳам унинг махсус шартларига кўра (фақат келишилган миқдорда, шаҳар аҳолиси эҳтиёжини қондириб бўлингач) йўл қўйилади. Истеъмол қилинадиган сувнинг миқдори Тошкент шаҳар ижроия комитети томонидан ижроком тасдиқлаган лимитга кўра зарур бўлган тақдирдагина чекланади. Сўнгги саволингизга келганда шуни айтиш керакки, шаҳар водопроводидаги ичимлик сув билан дов-дарахтларни суғориш истисно тариқасида алоҳида ҳоллардагина «Водоканал» трести ёки Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг рухсати билан амалга оширилади.

* * *

А. ҲАЙИТОВ: Шимоли-шарқ массивида турамиз. Истикомат қилиб турган уйимизни қорақамиш массивидаги уйлардан бирига алмаштирмоқчи эдик. Шу тўғрилаги эълонни қаерга берсак бўлади?

Жавоб: Шаҳар коммунал водопроводи ва канализацияси тармоқларига фақат «Водоканал» трести руҳсат бергандагина, у билан лойиҳачилар келишиб олиб, шу ишга алоқадор техникавий шартлар бажарилган тақдирдагина уланиш мумкин. Шаҳар водопроводидан ичилган сувни корхоналарнинг техник эҳтиёжлари учун (озиқ-овқат корхоналаридан ташқари) сарф этишга «Водоканал» трести эҳтиёжи қондирилгандагина, шунда ҳам унинг махсус шартларига кўра (фақат келишилган миқдорда, шаҳар аҳолиси эҳтиёжини қондириб бўлингач) йўл қўйилади. Истеъмол қилинадиган сувнинг миқдори Тошкент шаҳар ижроия комитети томонидан ижроком тасдиқлаган лимитга кўра зарур бўлган тақдирдагина чекланади. Сўнгги саволингизга келганда шуни айтиш керакки, шаҳар водопроводидаги ичимлик сув билан дов-дарахтларни суғориш истисно тариқасида алоҳида ҳоллардагина «Водоканал» трести ёки Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг рухсати билан амалга оширилади.

* * *

Н. ДОЛИМОВА: Янги пальто тиктирган эдим. Шунга чиройли тугмачалар бюютмоқчи эдим. Шундай бюютмани қаерда бажариб беришади?

Жавоб: Агар Сиз ателъеда тиктирган пальтога ўзингиздаги мавжуд тугмага ўхшаш тугмаларга бюртма бермоқчи бўлсангиз «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг устахонасига мурожаат қилинг. Бу устахона Ленинград кўчасида, маршрутли таксилар қатнайдиган автостанция ёнида жойлашган.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Касалхонада ётган Ангрен резина-техника буюмлари заводининг елимловчиси Зулфия Ҳусановадан ер ости ўтиш тоннелларини нима учун қуришган деб сўрашди. «Кўчаларни кесиб ўтмаслик учун қуришган» деган тўғри ва аниқ жавоб олинди. Лекин бу фақат оғизда. амалда-чи? Зулфия Хадра майдонидан бораётиб. йўловчилар хавфсизлигини сақлаш учун қурилган тоннелдан ўтмади. Бундан ташқари светофорнинг қизил чироғига эътибор ҳам қилмай майдонни кесиб ўта бошлади. Натижада. Аскар Раҳимов ҳайдаб келаётган ГАЗ — 2472— 26 ТНЗ номерли машина уни босиб кетди. Ҳайдовчи зудлик билан тормоз беришига қарамай кўнгилсиз воқеанинг олдини олиб бўлмади. Кўп жойи жароҳатланган Ҳусанова 6-шаҳар касалхонасига ётқизилди.

БУЮК МУҲОЖИР

Шоир Ашурали Аҳмедов В. И. Ленининг 1914—1917 йиллари Польша ва Швейцарияда муҳожирликдаги революцион фаолиятига бағишлаб «Буюк муҳожир» номли достон ёзди. Достонда В. И. Ленининг чет эллардаги революцион фаолияти, ватан соғинчи, халқ бахт-саодати ишига садоқати, ишончи тасвирланади. Мазкур асар «Шарқ юлдузи» журналида босилмоқда. Қуйида шу достондан парча ўқийсиз.

...Ҳамма уйда ўчгандир чироқ,
Қатта-кичик ҳозир олар тин.
Тунни тонгга улайди бироқ
Оддий уйда буюк бир ёлқин.
Якка одам зўрга сиққудек
Ғарибгина иш кабинети.
Ленин унга катта макондек,
Шунда жаҳон бахти, нажоти,
Атрофида газета-журнал,
Ўтирибди унга кўмилиб.
Жумбоқлар бор этилмаган ҳал,
Хаёл сурар нурга чўмилиб.
Деразада милт-милт ёнар шам.
Сўнаётган сўнгги юлдуздай
Шуъласида суради қалам,
Не фикрлар кечар пайдар-пай,
Қоғоз узра сузилар кўзлар,
Гоҳ истеҳзо билан кулади.
Сатрларга тизилар сўзлар,
Сўзлар эмас, нур қуйиладек.
Дилининг сўнгсиз энергияси
Сочилади учқун мисоли,
Машъал янглиғ унинг гояси,
Инсоният, эркин, камолин,
Хаёл нурдай оламни кезар,
Аҳл кўзи мисли бир компас,
Унинг учли стрелкаси
Ишчи-деҳқон йўлин кўрсатар.
* * *
Буржуйлар олами—зулмат макони
Унда ҳам инсоний юлдузлар ёнар.
Олис-олислардан уйғоқ оммани
Озодлик йўлига етаклар, чорлар.
Париж йўларида чақнайди чақмоқ,
Чирч-чирс олов сочар Инесса
Арманд,
Қалбини қурашда қилар у байроқ
Юраги Россия қалбига пайванд.
Лонжюмо мактаби —
Ленин нафаси.
Сўзлар коммунистлар каҳҳаҳасини,
Унда садо берар Инесса сасн,
Ўқир марксизм фалсафасини,
Гамбург йўлларида бот-бот оқар
қон
Тельман кўлларида нураш байроғи
Зиндон азобида қилқиллайди жон,
Карл озодлигининг чанар чақмогин.
Синфий нурашларда бундай
юлдузлар.
Ўз йўлин йўқотса, янглишса агар,
Қутб юлдузига қараб, муқаррар
Кураш йўлларидан йўлини топар,
Ҳа, қутб юлдузи—менинг юлдузим,
Қайси бир мамлакат қучоғида у?
Поляк кулбасига мўлтирар кўзим,
Унда бир юлдуз бор, сочмоқда ёғду!
Меҳримни ўзига тортар шу замон
Озодлик машъали бўлмиш шу
юлдуз
Унинг шуъласидан чўлғанар
жаҳон...
Шу юлдуз чақирар, шивирлар
бу кез
Ердаги башарий юлдузларни ҳам,
Беш қўлдай мушт қилиб
бирлаштиради.
Эзгулик йўлига чорлайди шаҳдам,
Бўроннинг қушларин эргаштиради.
* * *
Большевиклар— олам жарчиси
Маркс умрин давомчисидир.
Ишчи-деҳқон унинг таянчи,
Коммунистлар, ҳар ишга қодир
Улар кўрқмас ўлимдан сира.
Лозим бўлса, ўлимга дарҳол
Тик боришар яна бир карра.
Йўқ, уларни кутмайди завол!
Курашларда чиниқди минг бор.
Иродаси —букилмас метин
Миҳ қоқсалар ўтмайди зинҳор
Улар вулқон, сўзлари— чақин,
«..Дадил бўлинг, қалқинг оёққа
Сафга кирсин янги қатламлар,
Ўрин йўқдир ҳеч ченинмокка!
Олға босинг, собит қадамлар!»...
Кўк конвертга солиб мактубни,
Коллонтайга жўнатар Ильич
Сафдошларга етказса уни,
Таскин топиб кўнгли кўлар тинч.
Қидиради эҳтиёт йўлин
Сирли ёзувларнинг очиш-чун
қулфин,
Бош қотирар, топар калитин,
Парижу Женева, Стокгольмга
Нур каби таралур мактуб оқими
Яшиндай учади бутун оламга
Ульянов сўзлари, юрак ёлқини.

Ашурали АҲМЕДОВ.

Юрий БОНДАРЕВ,
Ленин мукофоти лауреати.

СОҲИЛ

— Жаноб Никитин, хатимда ёзган гамбурглик ноширингиз бугун сизни менинг уйимда кўриш умидида, — деди Герберт хоним сумкачасини тиззасига қўйиб.— У мендан авало миннатдорчилик изҳор қилиш ва... сўнгги китобингиз қалам ҳақини топширишни ўтинганди. Уч ярим минг марка. У кўпроқ тўласа ҳам бўларди, албатта. Дарвоқе, таассуфки, мамлакатларимиз орасида авторлик конвенцияси тузилмаган. Жаноб Вебер бадавлат одам. У пулга сахийлар тоифасидан эмас. — Шундан сўнг Герберт хоним хижолатомуз жилмайиб, Никитинга «Вебер— ферлаг» нашриётининг номи готик босма ҳарфлар билан ёзилган қалингина конвертини узатди. Кейин сумкачасидан бошқа юпқарок иккита конверт чиқариб, гапини тамомлади: — Буларда сизга, жаноб Никитин ва сизга, жаноб Самсонов, майда харажатлар учун клубимиз ажратган етти юз эллик маркадан бор.

— Сизга ҳам, ноширимга ҳам раҳмат, — деди Никитин. — Осмондан тушгандай бўлди бу пулдар. Кўнглимиз кўтарилди.

— Гамбургдан целлофанга ўралган «мерседесни олиб кетадиган бўлдинг энди, миллионер Рокфеллер.— Самсонов пулни каппайма картмонига солди-да ўйланиб тургач, кўзойнакли кўзи билан Герберт хонимга қаради.— Муҳтарам ҳамкасбимнинг сўнгги китоби қандай таркалгани, яъни сотилиб кетгачини билсак бўладими?

— Реклама қилинди, шундан кейин китоб Сталин шаҳсига сиғиниш тугатилгандан кейинги совет зиёлиларининг ҳаёти ҳақидаги роман сифатида сотилиб кетди. Жаноб Вебер шарқлик ёзувчига қизиқиш уйғотиб, бундан бойиб олишни ўрнига қўйди. — фрау Герберт шундай жавоб қилдики конвертларни ички чўнтакларига бесўнақайлик билан жойлаштираётган Никитиндан кўзини узмасди. Кейин бирдан хайратланиб сўради: — Пул олганда санаб олмайсизларми? Ё Россияда пул санаб олинмайдими одатда?

— Саналади, мен ҳам санаб олсам, — деди Никитин. — Бироқ немисларнинг баъзи бир тартиблигини бутун оламга маълум шекилли.

— О, бу аста-секин барҳамлаб боряпти, жаноб Никитин.

— Ҳатто Германияда ҳамми?

— Россиядагилар янги Германияни яхши билишмасе керак.

Никитин билан Самсонов хозир машинада аэропортдан келаётгандагидай толиқишмаган, меҳмонхона номерида ичилган коньякдан кейин яйраб, ўзларини бемалол тутишарди. Сабаби, ҳамма иш ўйланганларидан ҳам зиёда кетар, келишлари, меҳмонхона, ношир юборган бебилиски пул билан адабий клубнинг чой-чақаси кўнгилдагидай бўлгани учун Никитин ҳам, Самсонов ҳам қийналиб қолишни хаёлларига ҳам келтиришмаса бўларди. Бундан ташқари, Никитин энди фрау Гербертнинг гапириш услуби, талаффузидаги ўзига ярашадиган сокинликни анчарок тушуна бошлаганидан ўзи ҳам немисчани дадил ва бемалолрок гапирарди. У энди хотиржам ҳордиқ, ишдан арзирли бўшлиги гаштини сурар, уйда бекор кунлари ёзувлар қалашиб ётган қоғозга аниқ жумла топиб ёзолмагандаги каби виждон азобида қовришмасди.

Бу орада официант жичча-жиччадан эрак қуйикли жажжи рюмкачалар, қайрилма жўмрак, шоколадсимон ис таратувчи қахва тўлдирилган темир чойнаклар, қайноқ сутли ихчам чинни идишлар, саватчадаги устига сал фетка ташланган оппоқ қина, юмшоқ булкачалар, юпка парраклангган қора нон, холодильникда турганн учун устини титровчи реза томчилар қоплаган сарёғнинг чорқирра бўлаклари солиқли идишни чақконлик билан столга келтириб қўярди.

Буларнинг ҳаммаси: муздай, ҳидсиз арақ («Сизнинг соғлиғингиз учун, Герберт хоним»), сарёғ суртилган кусур-кусур булкачалар, хушбўйгина тотли қора нон парраклари устига қўйилган чўчқа гўшти, турк уфорли қаҳвасию, пишлок бўлаклари Никитинга ғоят мазали туюлди. Шу вақдан ҳам у ҳозир ўзини жисман енгил ва бемалол сезар кечиккан нонушта, меҳмонхонадаги бўм-бўш бу ресторанниng сокинлиги ва ташқаридаги Гамбург кўчаларига тинимсиз шивалаётган ёмғирдан яйраб ўтирарди.

* * *

— Янглишмасам Гамбургни инглизлар олишганди, шекилли? Бироқ шуниси қизиккн, вайронлар кўринмаяпти.

— Олишмаган, Платон, қирқ бешинчи йилда кириб келишавергач. Олдинига бир неча кварталга бомба ташлашган-да, бемалол, осонгина киришган. Гарчи бу ердагилар унчалик қаршилик кўрсатишмаган бўлса-да, бомба ташлаб кейин шаҳарни ишғол қилишган. Немислар вайрон қилинган кварталларни тиклаб олишган, албатта.

Ёмғир Гамбург узра тинимсиз сув зарраларини сочар, осмонни бўзранг туман қоплаганди. Сирпанчиқ тротуар ёғдай ялтирар, ёмғирдан ялт-юлт қилаётган темир машиналар асфальтда акслaниб ўтиб турарди. Светофорларнинг одимловчи одамчалар шакли туширилган чироқлари соябонлари нам, устларига сув ўтмас плащ кийган ўткинчилар чорраҳаларда ўймалашганда дам яшил, дам қизил тусга кириб, йўловчиларнинг ҳаракатларини тартибга соларди. Метрога тушиладиган жойлар теласидаги чўзинчоқ тешик қулча нусха «V» ҳарфлари неон нуридан бўзариб турарди. Хиёбонлардаги кўм-кўк майсалар ним хира тортган, кўлмакларда сарғиш япроклар бўкар, ҳурпайма совкотган оқ чаталоклар гулпушталаридаги сарғиш япроклари бир-бир босиб юришарди. Ҳаммаёқдан кеч кузак иси келар, каёққа қараманг шилдир-шилдир, совуқ, яқин денгиздан ёқимсиз намгарчилик уфурарди.

— Таажжубланарли нарсалар кўп,— деди аста Никитин ўткинчиларнинг одатдаги хотиржам чеҳраларига бир қур назар ташлаб. — Икковимиз ҳамма машмаша бошланган немис тупроғида юрибмиз-у, ўлай агар, масалан, манави туппа-тузукkина амаки...— у майхона эшиги ёнида парвойи палак ҳолда паст нав ингичка сигара чекиб турган катак плашли кекса, ҳорғин одамга қаради,— манави амаки томоғи йиртилгудай «хайль» деб бақириб, сенга ёки менга Сталинград бўсағасида ўқ узганига ишонгим келмаяпти. Ё манависи ўшанақами?— Никитин кўзини ушоққина, кўринишдан мулойим, қорин кўя бошлагани учун пальтоси тиқилиброк турган немисга тикди. Немис бир қўли билан соябонини боши узра тутиб, иккинчи қўлида тротуар ёнидаги пойга белангаи «фольксваген»нинг эшигига келиб соларди.

— Ўхшайди-а? Оила бошлиғи, пивохўр, гапга чечан, кечкурунлари болаларини тиззасига олади... Мулойим одам. Ўқ узиш қўлидан келганмикин? Одамларни отиш, осишчи? Мана шуниси таажжуб, Платон, мана шуниси...

— Хўш, «хайль» деб қичқириб ўқ узган ким бўлмаса!— тўнғиллади Самсонов.— Ҳаммаси мулойим, кўнгилчан, ажойиб одамлар экан-ку.. Ўқ узгани ким ўзи?

— «Ким»эмас, «нега» ва «нима сабабдан»? Гап ана шунда.

— Туркидан билиш қийин, Вадим, Аксинча чалкаштиради.

— Кўрамиз, кўрамиз...

Никитин тошдан қурилган, қоп-қора, теласидаги кўкимтир «S» ҳарфи ёғду таратувчи, заллари магазинга ўхшаш чарогон вокзал ёнидан ўтаётганларида ойнабанд газета киоскаси олдида тўхтади-да, витринадаги ёмма ва териб қўйилган расмли журналлар орасидаги муковалари чиройли китобларнинг номларини бир бошдан ўқиб бошлади:

— «Кэнди». Еш қиз ҳақидаги роман. «Мадриддаги қотиллик». Тушунарли. Буларда нима мода бўлсайкин? Таржимани эплаёлмасам тўғрилаб тур. Платон, француз Кафкасининг китоби арзонлашибди. Кўраяпсанми? Йигирма олти маркадан ўн етти маркага тушибди. Буниси қанақа бўлди? Якинда Гарбда ҳамманинг тилига тушган ўқувдинку. Бурчакда турганлари янги китоблар. «Пэтэннинг турмадан хотинига ёзган хатлари». Қизиқ. У турмадан хотинига нималарни ёзганикин? Генри Миллернинг «Рак тропиги». Шаҳвоний роман. Тушунарли. Манависи нима? «Иккинчи жаҳон уруши». Бу бошқа гап. Кетаю олдимиздан ҳеч бўлмаса шу китобчани олишимиз керак.

— Ўнг бурчакдаги қизил муковага қара, — деди Самсонов витрина устига энгашиб. —Маонинг цитаталари Хо-хо! Енидаги «Гитлер ўлганми?» деган китоб. Қизиқ, буларни ким оларкин?

— Буни фрау Гербертдан сўраш керак. «Гитлер ўлганми?»ниям олсак бўлади.

— Кўзинг етадими? Божхона-чи? Бехосдан текшириб қолишса-чи? «Чет эл адабиёти борми?» Ана ўшанда кўрасан томошани.

— Ҳеч нарса қилмайди. Бу китоблар оммавий кутубхоналар учун эмас, шахсан фойдаланиш учун сотиб олинади. Ёзувчи бўлгандан кейин ҳаммасини билишимиз керак, мутлақо ҳаммасини.

— Нимани билиш керак? Нимаси тушунарсиз? Ким ўқ узганини тушунтириб бераман. Ҳозир кирқ иккидан ошганларнинг ҳаммаси, ҳа, ҳаммаси ўқ узган, Вадим. Бир вақтлари бизда Гитлерни «жинни», «телба ефрейтор», «шол» деб ёзганлари аниқ таърифдир эмас. У ишончсиз қувватига эга деҳқонлик шахс эди. Нутқ ирод қилган пайтларида немислар, айниқса аёллар ҳаяжонга тушиб, ҳўнграб йиғлашарди. Шуни биласанми?

— Жуда у қадар бўлмаса ҳам тушунарли, равшан. Менга баъзи бир муҳим деталлар ҳалигача қоронги. Платон, ғарб немисларини умуман билмайман қисоб. Унексплоред. Жумбок. Улар кимлар ўзи? Қандай одамлар? Ҳалиям илгаригидайларми? Солдатларга буюрилган учта аниқлани ҳанузгача унутолмайман. «Фюрерга ишон, бўйсун жанг қил...» Майли, кўрармиз. Биз ҳеч қачанака музей-пузейга бормаймиз, албатта. Музейлар одамни чалғитади. Битта истисно бор. Ҳалок бўлганларга ўрнатилган ёдгорлик билан портни кўрамиз. Энг муҳими, кўчаларда ги одамларнинг кўринишлари ва кўзлари.. Келишдикми?

— Бўпти.

— Бўлмаса, айни момент, ёдгорлик қаерда-лигини аниқлаймиз.

[Давоми бор].

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМЛАРИ

Қалб қуёши

ҲИКОЯ

Қумри бир ҳафтадан бери ҳар куни почтахонага кириб:

— Менга хат борми?— деб сўрайди.

Йўқ жавобини олгач, бўшашиб чиқади.

Шу биргина сўз унинг нозик юрагига ханжардек ботади.

Бугун ҳам шундай бўлди. У ҳаёл оғушида қолди.

...Нахотки Нурилла қўйнимни пуч ёнғоқка тўлгизган бўлса, бевафолик қилса. У синовчи учувчи бўлиб олиб жуда баландлаб кетди, ердагиларни назар-писанд қилмай унутса. Балки ундаги барча хатти-ҳаракатлар қалбаки, сўзлари сохта, севгиси чин бўлмай, оддий бир ҳавасдир. Нахотки... кўнгил майлига берилиб алашдим, шошма-шошарлик қилдим?

Қумри ўзига-ўзи савол бериб жавоб топа олмади.

Шу топда унинг кўз ўнгида бирин-кетин кириб келаётган совчилар ўтди. Ойиси ҳар бир совчини самимий кутиб олар ва ширинсуханлик билан, қизим ҳали ёш, ўқиши тугасин, кейин узатаман. Ўшанда жойи чиқса, айланай сиздан, текинга бераман. — дер эди.

— Узатадиган қизим йўқ деб, совчиларнинг жавобини дарров бериб юборсангиз, ойи? Гапни кўпайтириб нима қиласиз! — деди бир куни Қумри қошларини чимириб.

— Ундай қилиб бўлмайди. Қизлик уй бозор дейдилар. — уқтирди она қизига.

Нахотки... севги севганингга ҳадя қилинмай. бозорда сотилса, Ҳар куни эшик пойлайман. Йўқ.

— Ҳавотир олманг, бугун-эрта келиб қолади. Машқ қилишаётгандир.

— Илоё айтганинг бўлсин. Ширин тилларингдан ҳолагинанг ўргилсин. Кўнглимни қўшиғини эслади:

Осмондаги самолёт,
Қанотингни
пастлаб ўт.
Қанотингга хат
ёзай,
Акамларга ташлаб
ўт...

Қумри болалик пайтларида кўп айтадиган ушбу қўшиқни, бўйи етиб, катта бўлганида ҳам эслаганига ўзи ғалати бўлиб кетди. Энди унинг назарида бу қўшиқ оддий эмас. катта маъмунга эгадек туюлди.

Йўлкада тўхтаб, осмонга тикилиб қолган қизини қўшни Саври хола кўриб, ҳайрон бўлди:

— Вой. Қумрихон, қизим сизга нима бўлди?

— Ҳеч нима...

— Бундоқ ҳоламни ҳоли не кечди, хабар олай демайсан-а?!

— Ўқишлар кўпайиб кетди. Лекциядан кейин практика қиляпмиз. Хафа бўлманг, холажон, таниженингиз соғ бўлса бас.— деди ийманибгина Қумри.

— Таня жоним соғу. аммо кўзимнинг оқу қораси ўглимдан хат тўхтаб қолди. Мана уч ҳафта бўлди. анча кўтардинг. Вақтбевақт демай бизларникига чиқиб тур, хўпми?

— Хўп. Ҳозир қаёққа кетяпсиз?

— Почтахонага. Телеграмма бергани, хавотир оляпман.

— Ундай бўлса майли. Ўзингиз бизларникига чиқинг, ойим узукун уйдалар, гаплашиб чиқасиз.

...Қизиқ, тез-тез хат ёзиб турса бўлмайдими. Ойисини ташвишга солиб қўйгани нимаси. Менчи? Мени сира ўйламайди-я?

Эҳ, Нурилла, Нурилла... У яна ўйга чўмди.

«Эсингдами, сени севаман, Қумри, деб қулоғимга аста шивирлаганинг. Ҳали ҳеч ким менга бунчалик яқин туриб шивирламаган эди».

«Ойимларни сизларникига юборамиз» деб айтгандинг бир куни. Мен ич-ичимдан қувонсам-да, билмаганимдек бўлсам бас,— деди

«УЗСПОРТТОРГ»НИНГ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ
14-«АВТОТУРИСТ» МАГАЗИНИДА

(Фарҳод кўчасидаги ярмарка)

мотоцикллар, ҳамма маркадаги мопедлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда енгил автомашиналарнинг комиссион савдоси бўйича ҳужжатларни расмийлаштиради ган

БЎЛИМ ОЧИЛДИ

Мотоцикл, мопед ва уларнинг эҳтиёт қисмларини сотмоқчи ва сотиб олмоқчи бўлган гражданлар магазинга учраниб фойдаланилган мотоцикл, мопед ва енгил автомашиналарни сотиш-сотиб олиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришлари учун консультация олишлари мумкин.

Магазиннинг комиссия бўлимига марҳамат қилинг!

«УЗСПОРТТОРГ»НИНГ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ 14-«АВТОТУРИСТ» МАГАЗИНИ.

Ленин, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли
В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

182-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ЎҚУВ ИЛИ УЧУН

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автомобиллар ремонти бўйича слесарь, дурадгор, сувоқчи-бўёқчи, ғишт терувчи, слесарь-сантехник, бульдозер, скрейпер, прицепли грейдер машинисти.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ 15 ГА ТЎЛГАН ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 1 — 3 йил.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртини тугатганларга эгаллаб чиққан мутахассислиги бўйича диплом ва ўрта маълумот ҳақидаги (уч йил таълим олувчилар учун) **аттестат топширилади.**

Билим юртини тугатганлар В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига, техникумларга конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқиш даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, форма, шунингдек, ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати доимий меҳнат стажига киради.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: директор номига ариза, автобиография, маълумот ҳақидаги ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, ҳарбий хизматга чақирилиш қоғози ёки ҳарбий билет, медицина справкаси (286-форма), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 та фотосурат (4х5 см, ҳажмида), меҳнат дафтарчаси (ишловчилар учун).

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ (ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ) ЭРТАЛАБ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар Куйбишев район, Багратион кўчаси, 4-уй (17, 73-автобусларнинг «12-турар жой шаҳарчаси» бекати, 22-трамвайнинг «2-Шимоли-Шарқ» бекати).

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи қошидаги

155-ЎРТА МАХСУС ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди:

Узоқ манзилларга юрувчи пассажир вагонлари учун проводниклар. Ёши 17 яримга тўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Етоқхона билан таъминланмайдилар. Ўқиш муддати — 1 йил.

Қуйидаги ихтисослик бўйича 15 ва ундан катта ёшдаги 8-синф ҳажмида маълумоти бўлган йигитлар қабул қилинади: машинист ёрдамчилари, тепловознинг механик қисми бўйича слесарлар, тепловознинг электр қисмини ремонт қилувчи слесарлар, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, совутиш ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, дурадгорлар. Ўқиш муддати— 3 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, қийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процента билан таъминланадилар.

Уч йиллик таълим группасида ўқиган ўқувчиларга мутахассислиги бўйича диплом ва ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома берилади.

Билим юртини аъло баҳо билан тамомлаганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

Ўқиш даври узлуксиз иш стажига ҳисобланади.

Билим юртини тамомлаганлар темир йўл хизматчиларига бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланадилар, яъни иттифоқимизнинг барча пунктларига текин темир йўл билети билан таъминланадилар.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидагилар қўшиб топширилади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, мактабдан характеристика, справкалар: медицина, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан, 8 та фотосурат (3х4 см).

Аризалар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Червяков кўчаси, 12-уй (5, 12-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон: 91-14-07.

КЕРАКЛИ КАСБ

Сотувчилик касби бугунги кунда ёшлар ўртасида оммалашиб бормоқда.

Бу замонавий, қизиқарли касб айни пайтда ёшлардан махсус билимларни, меҳнат маҳоратини ва тажрибани талаб қилмоқда. Энг яхши савдо ходими бўлиб етишиш учун келган харидорни мулойимгина кутиб олиш ва унга у ёки бу молни дарровгина бериб юборишдангина иборат эмас.

Сотувчи ҳозирги кунимизда савдо эстетикаси, этика, экономика, товаршунослик билимларини атрофлича эгаллаган киши бўлмоғи керак.

ҚАДРДОН ҚИЗЛАР!
Агар сиз савдода ишлаш ниятида бўлсангиз,

ОКТЯБРЬ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ

2-МАКТАБ МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ.



Бу ерда ҳам одатдаги мактаблардаги синғари қўнғироқ чалинади, ўқитувчилар лекциялар ўқишади, ўқувчилар имтиҳонлар топширишади. Одатдаги ўрта мактабдан фарқи шундаки, бу савдо корхонаси асосидаги ўзига хос меҳнат мактабидир. Сизларни бу ерда этика ва эстетика, товаршунослик асослари ва харидорларнинг психологияси, экономика, совет ва меҳнат ҳуқуқлари асослари бўйича лекциялар кутмоқда. Ишлаб чиқариш таълими практикасини ўтасиз. Практика келажакдаги ишларингиз учун керакли тажриба ва меҳнат кўникмасини беради.

Ўз-ўзига хизмат савдонинг бугунги кундаги энг илғор усулидир. Октябрь район озиқ-овқат савдоси бўлимининг 2-мактаб-магазинида харидорларнинг ҳурматига сазовор бўлган ана шу усулга ўргатилади.

Сиз мактаб-магазинни битирганингиздан кейин озиқ-овқат молларининг сотувчиси ихтисослигини эгаллайсиз ва Октябрь район озиқ-овқат савдоси бўлимининг исталган магазинларидан бирида ишлаш имкониятига эга бўласиз.

Мактаб-магазинининг маъмурияти битирувчиларнинг ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришга бўлган иштиёқларини қўллаб-қувватлайди. Хоҳлаган кишиларга Тошкент савдо техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимларига киришлари учун имтиёзли шароит берилади.

2-мактаб-магазинга 16 дан 25 ёшгача бўлган 8 ёки 10-синф ҳажмида маълумотли тошкентлик қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.

Ўқувчиларга стипендия тўланади. Дастлабки икки ойда 52 сўм 60 тийиндан, учинчи ва тўртинчи ойда 56 сўмдан, кейинги икки ойда 63 сўмдан стипендия оладилар. Мактаб-магазинда ўқиладиган 6 ой умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ёки саккизинчи синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика (бор бўлса, меҳнат дафтарчаси), турар жойидан справка, 2 та фотосурат (4х6 см).

Маълумотлар олиш учун Октябрь район озиқ-овқат савдоси бўлимининг кадрлар бўлимига учрашилсин: Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, Махсус тупиги, 4-уй. Телефон 44-28-62.

Мактаб-магазини Беруний кўчасидаги Ц-27 кварталида жойлашган. (7, 16, 19-трамвайлар, 9-маршрутли такси, 28, 64-автобусларнинг «Жарариқ» бекати).

Машғулотлар — 25 августдан бошланади.

ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ



БОЛАЛАР УЧУН ПОЙАФЗАЛЛАР

Янги ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолди. Онлада август ойининг сўнгги кунлари болаларни мактабга тайёрлаш ишлари кўпайиб қолди. Болаларга папка, ранец, дафтар, қалам, бўёқ, форма ҳамда албатта пойафзал сотиб олиш зарур.

ОТАЛАР ВА ОНАЛАР!

„Ташобувьторг“нинг 7-магазинида

22-25 АВГУСТ КУНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

БОЛАЛАР ПОЙАФЗАЛИНИНГ

Савдо-кўргазмаси ўтказилади

Савдо-кўргазмасидан Сиз ўқувчилар учун 31-37 размердаги енгил ва қулай пойафзалларни: туфлилар, сандалетлар, полуботинкалар, ботинкалар ҳамда безакли ва безаксиз, ости чарм ўрнини босадиган материалдан ёки пўкак резинали, ҳар хил моделда тикилган этикларни сотиб олишингиз мумкин.

25 август соат 15.00 да магазинда харидорлар талабини ўрганиш бўйича харидорлар конференцияси ўтказилади.

7-магазинга марҳамат қилинг ва харидорлар конференциясида актив иштирок этинг!

7-магазин Новомосковская кўчаси, 17-уйда жойлашган.

«ТАШОБУВЬТОРГ»
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ

ТУРИСТ

ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИНИНГ ТУРИЗМ БЎЛИМИ

МУДОФАА МИНИСТРЛИГИНИНГ ТУРИСТИК БАЗАЛАРИГА

ПУТЕВКАЛАР СОТАДИ

«ТЕРСКОЛ» ТУРИСТИК БАЗАСИ (Шимолий Кавказда, Дамбой районида) ГА —9 **ва 29 сентябрда, 8 ва 19 ноябрда, 4 ва 12 декабрдан 20 кунга. Баҳоси 80 сўм;**

«ИССИҚҚЎЛ» ТУРИСТИК БАЗАСИ (Тамға) ГА — 4, 25, 27 **сентябрь ва 12 октябрдан 20 кунга. Баҳоси 80 сўм;**

«ЖДАНИВИЧИ» ТУРИСТИК БАЗАСИ (Минск) ГА —27 **сентябрь, 13, 23, 30 ноябрь ва 10 декабрдан 20 кунга. Баҳоси 80 сўм;**

«МЕЖГОРЬЕ-КАРПАТИ» ТУРИСТИК БАЗАСИ (Ғарбий Украина) ГА — 3, 24 **сентябрь, 14 октябрь ва 3 ноябрдан 20 кунга. Баҳоси 75 сўм.**

Туристик базага бориш ва келиш ҳаражатлари путёвка қийматига кирмайди.

69-34-31 телефон номери бўйича справкалар олиш мумкин.

Тошкент шаҳар турар жой бошқармасининг
2-РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ
АҲОЛИНИНГ МАТЕРИАЛИДАН КВАРТИРАЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ

Бошқармада қуйидаги ишлар бажарилади: шифтларни, деворларни оқлаш ва бўяш; пол, эшик ва дераза ларни тузатиш ва бўяш; синган ойналарни ва сантехника асбобларини алмаштириш ва тузатиш: плиткалар билан деворларни безаш линолиумни алмаштириш ва бошқалар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Ц кварталь, 4«а»-уй (оперетта театри орқасида, 2, 3, 33-автобусларда ва метрода «СССР 50 йиллиги» станциясигача). Телефонлар 77-83-45, 77-66-71, 76-52-68.

ЎЗБЕКИСТОН «КИБЕРНЕТИКА» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

бухгалтерлар, катта иқтисодчи, иқтисодчи, таъминот бўйича ишчилар, пармаловчилар, слесарь-ремонтчилар, радиоаппаратуралар бўйича слесарлар, травильщиклар, токарлар, фрезерчилар, радиомонтажчилар, гальваниклар, электрослесарлар, ёрдамчи ишчилар КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЛЕНИН, ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металлар бўйича универсал токарлар ва универсал фрезерчилар, учиш аппаратларини йиғувчи слесарлар, механика-йиғув ишлари бўйича слесарлар, дурадгорлар, тунука ва инструментлар бўйича слесарлар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

ЎҚИШГА 8 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ШАҲАРЛИК ИИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Шаҳарнинг чекка қисмидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганлар ўрта маълумот ҳақида аттестат ва касблари ҳақида диплом ва В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаш учун йўлланма оладилар.

Билим юртини аъло баҳо билан битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларининг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

Билим юртида ўқишлар техника воситалари билан жиҳозланган фан кабинетларида ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар заводдан бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида спорт секциялари ва авиамоделчилар, фото, радио ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Ўқувчиларнинг дам олишлари учун Чимён атрофида махсус дам олиш лагери бор.

Шунингдек, ўқувчилар бепул уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақининг бир қисмини оладилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, таржиман ҳоли, 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка 4х5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин. Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй 29-трамвай ва 30-автобуснинг «Валихонов кўчаси». 8, 48, 21, 80-автобусларнинг «4-турар жой шаҳарчаси» бекатлари).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/VIII да **Риголетто**, 23/VIII да **Оламнинг яратилиши**, 24/VIII да **Травиата**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА (Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали театри биносида)— 22/VIII да **Келинлар қўзғолони**, 23/VIII да **Уйланиш**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ — ДУСТЛАР ДУНЁСИ»** аттракциони.

КИНО

22 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Эй бахтли инсон!** (10.30, 13.15, 16, 17.45).

Янги чақирилганлар урушга боради — «ДРУЖБА» (11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21.00), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 21.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16, 18, 21.30), «ЧАЙКА» (11.30, 14.30, 16, 17.30, 19, 20.30, 21.45), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.30, 19, 20.30), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(соат 20.30 ва 22.15 да бошланади) **Янги чақирилганлар урушга боради** — «ФЕСТИВАЛЬ».

Лейтенант Слейднинг хатоси — «ХИВА».

23 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Эй бахтли инсон!** (10.30, 13.15, 16, 17.45).

Янги чақирилганлар урушга боради — «ДРУЖБА» (11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21.00), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 21.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16, 18, 21.30), «ЧАЙКА» (11.30, 14.30, 16, 17.30, 19, 20.30, 21.45), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.30, 19, 20.30), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(соат 20.30 ва 22.15 да бошланади) **Янги чақирилганлар урушга боради** — «ФЕСТИВАЛЬ».

Лейтенант Слейднинг хатоси — «ХИВА».

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

токарлар, фрезерчилар, слесарлар, стропальщиклар, штамповкачилар, қирқувчилар, қолипловчилар, пармаловчилар, диспетчерлар, кранчилар, инженер-технологлар, конструкторлар; цех бошлиғининг ўринбосари, кўнгилли ўт ўчириш дружинасининг бошлиғи

«УЗБЕКХЛОПКОМАШ» БИРЛАШМАСИГА

токарлар, қолипловчилар, фрезерчилар, мустаҳкамловчилар, электр пайвандчилар, слесарь—ремонтчилар, прессловчилар; электромонтёрлар, юк ташувчилар, қурилиш ишчилари, инженерлар, металлга ишлов бериш техниклари

ТОШКЕНТ БОШ ПОЙАФЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

бичиқчилар, тайёрловчилар, бўёқчилар, мустаҳкамловчилар, қолипдан туширувчилар, қолипга тортувчилар, жиҳозловчилар, қолипловчилар, фрезерчилар

ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИНИНГ САВДО КОРХОНАЛАРИГА

бўлим бошлиқлари, бухгалтерлар, ревизор-инженерлар, нормаловчилар, омбор мудирлари, сотувчилар, буфетчилар

КУЙБИШЕВ РАЙОН КОРХОНАЛАРИГА

электр пайвандчилар, аппаратчилар, слесарлар, мастерлар, ёрдамчи ишчилар, электропогрузчик ҳайдовчилари, кассирлар, станокчилар, ВОХР ўқчилари

ПОЧТА АЛОҚАСИ БОШҚАРМАСИНИНГ КОРХОНАЛАРИГА

почтальонлар, сараловчилар, электрон ва телеграф аппаратларига хизмат кўрсатиш бўйича шогирдлар, инженер-программистлар

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ МУАССАСАЛАРИГА

бўлим бошлиқлари, бош мутахассислар, инженерлар

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ ЛОЙИҲАЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

лойиҳалаш ишларига инженер ва техниклар, иссиқлик таъминоти ва электр асбоб-ускуналари, иситиш, электр таъминоти, автоматлаштириш, программалаштириш, гидрометаллургия технологияси бўйича инженер ва техниклар, бухгалтерлар

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

фотографлар, буюртма қабул қилувчилар, лаборантлар, ретушерлар

АДРЕСЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти— Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. Икромов район пункти — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — Район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

21 АВГУСТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.30 «Ёшлик». Бадиий фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.45 СССР халқ артисти В. Норейка концерти. 19.30 «Учинчи йил — зарбдор йил». «Саян плацдарми». Кўргазмали спектакль шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради. 20.15 «Уй уч терак кўчаси». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Шахтёр» (Донецк). «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.15 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.45 «Ўзбек шоирларидан янги таржималар». Адабий кўрсатув (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Шодлик тароналари». Концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Рояль олдидаги суҳбат». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «1 миллион 200 минг гонна «қаҳрабо дон» учун» 22.15 Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига. «Анна Каренина». Бадиий фильм. 1-серия. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент область учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ўлар ўн тўққизда» эдилар». Бадиий фильм. 20.15 «Тошкент ва тошкентликлар». «Архитектура премьералари» (рус.). 20.45 «Реконструкция». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.55 Тошкент янгиликлари. 21.15 Жаҳон халқларининг куйлари. 21.55 Телевизион ҳужжатли фильм.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
21 АВГУСТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85 шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р-13120. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1385.